2009 йил, 2 апрель, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 66 (11.377)

Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Бухорода «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда «Меҳр нури» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида «Биз — бир жамоамиз!» акциясини ўтказди. Унда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва уларга яратиб берилаётган имкониятлар хусусида мулоҳазалар билдирилди. Тадбирда шунингдек, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази қошида иш бошлаган бандликка кўмаклашувчи марказнинг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди.**

**• Кеча Тошкентда Касаба уюшмалари Халқаро конфедерацияси Бутуневропа минтақавий кенгаши таклифи билан Фридрих Эберт фонди ҳамкорлигида Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари иштирокида жамоа музокараларида гендер тенглик масалаларига комплекс ёндошув бўйича минтақавий семинар ўз ишини бошлади.**

**• Тошкентдаги А.Хўжаев номидаги республика Дизайн коллежида пойтахтнинг 2200 йиллигига бағишланган расмлар кўргазмаси ҳамда «Илҳом парилари» ҳайкалининг очилиш маросими ўтказилди.**

**• Темурийлар тарихи Давлат музейида буюк Соҳибқирон таваллудининг 673 йиллигига бағишланган «Амир Темурнинг давлатимиз тарихидаги роли» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

**• «Камолот» ЁИҲ Хоразм вилоят бўлими томонидан халқ таълими бошқармаси ва вилоят маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда «Китобхон-2009» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Ёшларнинг маънавий тарбиясини юксалтириш, китоб ўқишни тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган тадбирда 7-9 синфлар ўқувчилари иштирок этди.**

**• Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги Раҳимобод шаҳарчасида «Камолот» ЁИҲ Учкўприк туман бўлими ташаббуси билан Ёшлар боғи ташкил этилди.**

**• Самарқандда ўқувчилар ўртасида «Аждодлар мероси — келажак асоси» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Танлов иштирокчилари ўз маҳаллалари ҳақида, кўп асрлик халқ анъана ва удумлари тўғрисида сўзлаб бердилар, бу борада чиройли саҳна кўринишларини намойиш этдилар.**

### ЖАҲОНДА

**• Кеча Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида «катта йигирматалик»ка аъзо мамлакатларнинг саммити ўз ишини бошлади. Шу куни Букингем саройида Англия қироличаси юқори мартабали меҳмонларни қабул қилди. Саммит муносабати билан Лондон шаҳрида бўлиб ўтган норозилик намойишлари натижасида эса полиция билан тўқнашувлар чоғида 32 киши ҳибсга олинди.**

**• Грузия ва Озарбойжон ўртасида 2009 йилга мўлжалланган ҳамкорликдаги сиёсий режалар юзасидан ҳужжат имзоланди.**

**• Мамлакат давлат департаментининг маълум қилишича, АҚШ БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига аъзо бўлишга ҳаракат қилади. Таъкидлаш керакки, ҳозирда БМТнинг мазкур Кенгашига 47 мамлакат аъзо. АҚШнинг собиқ президенти Жорж Буш маъмурияти ушбу Кенгашни танқид қилган ва унда қатнашишдан воз кечган эди.**

**• Минскда Беларуссия парламентининг баҳорги сессияси ўз ишини бошламоқда.**

**• Халқаро валюта жамғармаси терроризмни молиялаштиришга ва уни ноқонуний даромадлар билан таъминлашнинг олдини олиш мақсадида мақсадли жаҳон траст жамғармаси тузишини маълум қилди.**

**• Индонезиянинг Суматра маъмурий минтақасида Рихтер шкаласи бўйича 6,1 балли зилзила содир бўлди. Ҳозирча вайроналар ва қурбонлар тўғрисида маълумотлар йўқ.**

**• Кеча Грецияда касаба уюшмалари томонидан 24 соатлик умумий иш ташлашлар ўтказилганлиги муносабати билан мамлакат авиакомпанияларининг ўнлаб ҳаво рейслари бекор қилинди.**

**• Аргентинада 82 ёшида мамлакатнинг собиқ президенти Рауль Альфонсин ҳаётдан кўз юмди. Шуни айтиш керакки, Аргентинани 1983-1989 йилларда бошқарган Альфонсин мамлакатнинг илк бор демократик тарзда сайланган президенти ҳисобланади.**

**• Хитой терроризмга қарши курашни қўллаб-қувватлаш мақсадида Афғонистонга кейинги беш йил ичида 75 миллион доллар ажратишга ваъда берди.**

**• Москва шаҳри ва вилоятининг боғлари ва қўриқланадиган табиий ҳудудларида велосипедчилар учун махсус йўлкалар ташкил этилади.**

**• Франциядаги Лувр музейи 2008 йилда жаҳондаги энг кўп кишилар келган музей сифатида эътироф этилди. Ўтган йили бу ердаги экспонатларни жами 8,5 миллион киши томоша қилган. 5,95 миллион мухлисни қабул қилган Британия музейи иккинчи ўринда бормоқда.**

**• Ҳинд океанида Сомали қароқчилари томонидан яна бир сайёҳлик кемаси қўлга олинди.**

## Пойтахтнинг бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

• **ЎЗБЕКИСТОН** экологик ҳаракати ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорликларида шаҳримизда ўтказилган тадбир «Тошкент шаҳрининг экологик муҳитини муҳофаза қилишда нодавлат нотижорат жамоат ташкилотларининг ўрни» деб номланди.

• **ТОШКЕНТ** шаҳар Статистика бошқармасида уюштирилган тадбир тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантиришда қонун устуворлигини таъминлаш масалаларига бағишланди.

• **ТОШКЕНТ** Давлат шарқшунослик институти қошидаги Собир Раҳимов академик лицейида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Балли, йигитлар» кўрик-танлови ўтказилди, «Менинг орзуларим» мавзуида плакатлар кўргазмаси ташкил этилди.

• **РЕСПУБЛИКА** таълим маркази, Республика педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда Германиянинг Гёте институти ҳамкорликларида касб-ҳунар таълими муассасалари педагоглари малакасини ошириш мақсадида тайёрланган лойиҳанинг якуний натижаларига бағишланган тадбир **КЕЧА** ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтди.

• **ЎТГАН** куни Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида уюштирилган тадбирда ёш истеъдодлар ўртасида ташкиллаштирилаётган «Ниҳол» қўшиқ кўрик-танловининг туман босқичини ўтказишга тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама қилинди.

• **РЕСПУБЛИКА** кикбоксинг федерацияси ташаббуси билан шаҳримизда кикбоксинг бўйича уюштирилган мусобақаларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган спортчилар ўзаро беллашди.

• **ҲАМЗА** туманидаги Шароф Рашидов номли маҳаллада туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Шароф Рашидов номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорликларида маҳалла фаоллари, кам таъминланган оилалар аъзолари, ёшлар иштирокида эзгулик айёми Наврўзи оламга бағишлаб адабий кеча ва концерт дастури ўтказилди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*



Саноат

### БУЮРТМАЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛМОҚДА

**ИЧКИ БОЗОРИМИЗДА ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДАГИ ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР ҲАЖМИ ОРТИБ БОРМОҚДА. ЭНГ МУҲИМИ ЭСА БУНДАЙ СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ ТОВАРЛАР МАҲАЛЛИЙ ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ, ТАШҚИ ВА ИЧКИ БОЗОРНИ ТИНМАЙ ЎРГАНИШЛАРИ, ХАРИДОР ТАЛАБИНИ ТЎҒРИ АНГЛАГАН ҲОЛДА ИШ ЮРИТИШЛАРИ НАТИЖАСИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАНИ ҲАМДА БУЮРТМАЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛАЁТГАНИДИР.**

Пойтахтимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан ҳисобланган «Компрессор» заводи негизида ташкил этилган «Компрессор пневмотехника» масъулияти чекланган жамиятида харидор талабига мос бозорбоп маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, изланишлар асосида иш юритилаётгани самара бериб маҳсулот турлари ортмоқда, ишлаб чиқариш салмоғи ҳам йилдан йилга юқори бўлмоқда. Бунинг асосий боиси эса корхона цехларининг замонавий дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланаётгани, малакали кадрларнинг сақлаб қолиниб, ҳозирда улар ўз касб маҳоратларини ёшларга эринмай ўргатаётганидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, айни пайтда корхонада замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган турли хил компрессор ва бошқа маҳсулотлар четдан келтириладиган худди шундай товарлар билан бемалол рақобатлашиб, импорт ўрнини босмоқда. Яна бир жиҳати хусусида тўхталиш жоиз бўлса, корхона мутахассислари буюртмачиларга кейинги техник хизматларни ҳам кўрсатиш имкониятига эга. Шу боис ҳам бу буюртмачилар учун қулай ва афзал саналади.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган компрессорлар энергия тежамкорлигини таъминлашда катта ҳисса қўшади. Улар бурғулаш, йўл, геодезия ишларида, газ саноатида, бунёдкорликда кенг қўлланилмоқда. Бундай маҳсулотлар мамлакатимиз халқ хўжалиги тармоқлари ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Ҳамжиҳат жамоамизда 28 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади, — дейди корхона бош муҳандиси Бахтиёр Бадалов. — Буюртмаларни аввало сифатли, тез ва вақтида тайёрлаб беришда ҳар бир ходимнинг билим ҳамда малакаси қўл келмоқда. Маҳсулотларимизни мулкчиликнинг турли шаклидаги хўжалик субъектларига буюртма асосида етказиб берамиз. Шунингдек, уларни Россия ва Қозоғистон давлатларига ҳам экспорт қилаяпмиз. Келгусида экспорт ҳажмини ошириш, хорижий харидорларимиз сафини кенгайтириш ниятидамиз. Албатта, бунинг учун маркетинг ишларини сусайтирмай, ташқи бозорни тинмай ўрганишимиз, янги технологик линиялар келтиришимиз лозимлигини жуда яхши биламиз ва бу борадаги имкониятларимизни ишга солаяпмиз.

Жорий йилни эзгу ниятлар билан бошлаган тадбиркорлар ўтган икки ойда 100 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариб, буюртмаларни муваффақиятли уддалашга эришдилар. Йил охиригача эса 450 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш кўзда тутилган.

Албатта, янги компрессор маҳсулотлари яратиш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бу борада буюртмачилар талаб ва таклифларидан келиб чиқиб иш юритилади. Айни пайтда винтли компрессор ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Ушбу маҳсулот учун кераклибўладиган айрим бутловчи қисмлар Германия давлатидан келтирилмоқда. Яқин келгусида эса бундай бутловчи қисмларни ўзимизда тайёрлаш йўлга қўйилиши режалаштириляпти.



Халқ хўжалигининг кўплаб тармоқлари ривожига сифатли маҳсулотлари билан муносиб ҳисса қўшишга интилаётган тадбиркор жамоа аҳли импорт ўрнини босувчи товарлар турларини янада кўпайтириш, ички ҳамда ташқи бозорда ўз ўрнини топиш саъй-ҳаракатини жадал олиб бормоқда. Бу, интилиш, албатта ўз самарасини беради.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: малакали мутахассислар маҳсулот сифатини таъминлашмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## БЕЛЬГИЯ ДАВЛАТ ВАЗИРИ МАРК ЭЙСКЕНС: «ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КИТОБИ МУҲИМ ВА СЕРҚИРРАЛИДИР»

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби Бельгия сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари орасида катта қизиқиш уйғотмоқда.***

Бельгия давлат вазири, мамлакат собиқ бош вазири ва етакчи сиёсатчиларидан бири Марк Эйскенс «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюсида Президент Ислом Каримовнинг асари ниҳоятда долзарб мавзуга бағишланиб, замонамизнинг энг кескин муаммоларидан бири бўлиб турган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози тўғрисидаги билимларни ҳар томонлама оширишга хизмат қилишини таъкидлади. Асарнинг ўзига хослиги шундаки, у ёритилаётган мавзу ва танланган муаммо борасида ягона бўлиб, айни пайтга қадар, бошқа давлатлар раҳбарлари бу каби китобга қўл урмаган.

«Мазкур асар мамлакатингиз раҳбарининг инқирозни ҳал этиш ишига қўшган шахсий ҳиссаси ҳамда бу борадаги ниҳоятда ўринли ва асосли тамойилларини акс эттиради. Буни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатишга арзийди, — дейди М.Эйскенс. — Асарнинг аҳамиятли жиҳатларидан бири шундаки унда мамлакатнинг улкан салоҳияти, Ўзбекистондаги иқтисодий вазиятнинг прогрессив таҳлили ҳамда жаҳон молиявий инқирози ва уни бартараф этиш йўллари аниқ кўрсатиб берилган. Буларнинг бари мамлакатнинг истиқболдаги тараққиётини белгилаш, унинг бор имкониятини тараққиёт мақсадларига йўналтириш ва сафарбар этиш имконини беради».

Ўзбекистон ҳукуматининг 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳақида гапириб, М.Эйскенс Ўзбекистоннинг банк тизими бошқа кўплаб мамлакатларга қараганда, жаҳон молиявий инқирози таъсиридан унчалик зарар кўрмаганини таъкидлайди. Сиёсатчининг фикрича, бу Ўзбекистон банклари кредитларни асосланган шартларга мувофиқ ажратиши билан изоҳланиб, китобда мамлакат банкларининг етарли даражада капиталлашганини тасдиқловчи қатор факт ва рақамлар келтирилган. Бу эса соф капитал билан кредитлар ўртасидаги мутаносиблик таъминланганини англатиб, мазкур омил банкларнинг бошқа давлатларда учраётгани каби асоссиз таваккалчилик таъсирига тушиб қолишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

«Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов дунёнинг иқтисодий келажаги борасида аниқ тасаввурга эга. Биринчидан, глобаллашув жараёнлари давом этиб, жаҳон ягона бозорга айланмоқда. Иккинчидан, бозор, шахсий ташаббус ва давлат ўртасида ўзаро тўлдирувчанлик бўлиши даркор. Шу билан бирга, ҳокимият бозор фаолиятини бир оз бўлсада, тартибга солиб туриши керак, негаки, бозорда ҳам «ҳаёт учун кураш»да энг кучлилар ютиб чиқишини англатувчи дарвинизм қоидалари, қайсидир маънода, амал қилади — бу бозор қонуни, акс ҳолда фойда олинмайди. Бугун иқтисодчилар ҳамкорлик ва рақобат ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳақида кўп гапиришади. Бу эса тизимнинг икки асосий қисми — бозор ва ҳукумат биргаликда ҳаракат қилиши кераклигини англатади.

Президент Ислом Каримовнинг асарида келажак таҳдидларига қарши туриш учун асосий эътибор янги технологияларни ривожлантиришга қаратилиши зарурлиги ҳақида гапирилади. Иқтисодчилар тили билан айтганда; инновацион рақобатни таъминлаш керак.

Ўзбекистонда таълим ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш йўлида кенг саъй-ҳаракатлар қилинмоқдаки, бу бошқа мамлакатлар билан алоқаларни кенгайтириш учун ниҳоятда муҳимдир. Масалан, Европада «Эрасмус» талабалар алмашинуви дастури мавжуд бўлиб, Ўзбекистоннинг унда иштирок этиши истиқболларини кўриб чиқиш фойдадан холи бўлмайди», дейди М.Эйскенс.

Суҳбат якунида бельгиялик сиёсатчи Ўзбекистонга қилажак сафарини сабрсизлик билан кутаётганлигини таъкидлади. «Гўзал юртингиз ҳақида кўплаб фильмларни томоша қилганман, юртингиз тарихи, қадимий шаҳарлари, халқингизнинг бой маданияти ҳақида кўп ўқиганман. Ўзбекистон — инсоният тарихида муҳим ўрин тутувчи мамлакат, сизнинг кўп асрлик цивилизациянгиз қадим замонлардан буён муҳим аҳамият касб этиб келади».

Президент Ислом Каримов асарининг мутолааси менда Ўзбекистонда жаҳон молиявий инқирози таъсиридан ишончли ҳимояланишга мўлжалланган қатор тадбирлар амалга оширилганига ишонч уйғотди».

**«Жаҳон» АА.**
**Брюссель**

## ИТАЛИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Италия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, сенатор Альфредо Мантика раҳбарлигидаги делегация 1 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Ташқи ишлар вазирлигида музокаралар ўтказди.**

Учрашувларда Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги алоқалар кўплаб жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Мулоқотлар чоғида мазкур йўналишдаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Меҳмонлар Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти билан таништирилди.

Италия делегацияси аъзолари Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирдилар.

**(ЎзА)**

# ВАТАН ВА ХАЛҚ ОЛДИДАГИ БУРЧ

**Шу жиҳатдан миллий журналистикамизни ривожлантириш, унинг мустақил ва холис фаолият юритиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, соҳа ходимларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод ҒУЛОМОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирига бу хусусда қуйидагиларни сўзлаб берди:**

— Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари тараққиётида тамомила янги ривожланиш босқичи бошланди, — дейди Ш.Ғуломов. — Оммавий ахборот воситаларимизда халқимизнинг эзгу орзу-умидлари, мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг барча соҳаларда эришаётган муваффақиятлари ўз ифодасини топмоқда. Оммавий ахборот воситалари миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишга фаол хизмат қилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, эркин фикр билдириш ва ахборот олиш эркинлигини таъминлаш, уларнинг фаолиятига умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва демократик андозаларни жорий этиш масалаларига мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилишнинг ғоят муҳим шарти сифатида қаралмоқда. Бу борада мустаҳкам қонуний асос яратилгани ахборот соҳасини жадал, изчил ва эркин ривожлантириш учун шарт-шароит яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида матбуот ва сўз эркинлигини таъминловчи қоидалар мустаҳкамлангани оммавий ахборот воситалари чинакам эркин фаолият юритишининг ҳуқуқий кафолати бўлиб, жамиятнинг янгиланиши жараёнида муҳим аҳамият касб этаётир.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид бир қатор қонунлар қабул қилинди. Цензурага, ахборотнинг монополлаштирилишига йўл қўйилмаслиги, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатиш ҳуқуқлари, журналистларнинг профессионал фаолиятини кафолатлаш ва ҳимоя қилиш қонунан белгиланган, оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш қоидалари соддалаштирилган. Эътиборли жиҳати, журналист текшируви ҳуқуқи қатъий белгилаб қўйилган. Айни чоғда соҳа фаолиятига доир мавжуд ҳуқуқий асослар халқаро андозалар ва давр талаби асосида изчил такомиллаштириб борилмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизда оммавий ахборот воситалари сон, сифат ва таркиб жиҳатдан юксалмоқда. Бугун мамлакатимизда мингдан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда. Улар хилма-хил фикр ва қарашлар минбаридир.

Мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор самарасида нодавлат радио ва телестанциялар, босма нашрлар ва агентликлар тармоғи жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази каби ташкилотларнинг самарали фаолият кўрсатаётгани ахборот соҳасида нодавлат институтлар ва тузилмаларни ривожлантириш учун зарур барча шароитлар яратилганидан яна бир далолатдир.

**ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДАН БОРАЁТГАН МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ЮРИТАЁТГАН СИЁСАТНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ ЭТИБ БЕЛГИЛАНГАН. БУ ЖАРАЁНДА УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ МУСТАҲКАМ ҚАРОР ТОПИШИ, ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ҲАЁТИМИЗНИНГ БАРЧА ЖАБҲАЛАРИДА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ, ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ХАЛҚИМИЗГА КЕНГ ТАНИШТИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ БЕҚИЁСДИР.**



Таъкидлаш жоизки, юртимизда қайси соҳада бўлмасин, амалга оширилаётган барча ислоҳот ва ўзгаришлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлашга бош мақсад сифатида қаралади. Шу жумладан, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантиришга, уларнинг меҳнат шароитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги фармонига биноан мамлакатимиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳар йили 27 июнь куни ўзларининг касб байрамини кенг нишонлаб келмоқдалар.

Миллий матбуотимиз ривожи йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган кўплаб ҳамкасбларимиз ҳар йили Президентимизнинг фармонларига биноан Ватанимизнинг юксак унвон ва мукофотлари, орден ва медаллари билан тақдирланмоқда.

Соҳа ходимларини рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этиш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш, замон талабига уйғун мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Бу жиҳатлар журналистикамиз ривожига хизмат қилаётган турли кўрик-танловлар, ижодий беллашувлар, грант-лойиҳалар, ижтимоий дастурларда ҳам ўз ифодасини топаётир.

Бу борада журналистлар ўртасида "Олтин қалам" Миллий мукофоти, "Йилнинг энг фаол журналисти", «Энг улуғ, энг азиз», "Жамият ва мен", "Матбуотимиз маликаси", "Атиргул" сингари танловларни ўтказиш йўлга қўйилгани эътиборга лойиқдир.

Ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими анъанавий тарзда 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида ўтказиб келинаётган «Олтин қалам» Миллий мукофоти журналистларимизга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир яққол ифодасидир.

Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган ушбу мукофот миллий ва халқаро журналистиканинг энг яхши ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадларига хизмат қилаётир.

Таъкидлаш жоизки, ушбу мукофотнинг кўлами тобора кенгайиб, нуфузи йилданйилга юксалиб бормоқда. Хусусан, танлов илк бор ўтказилган 2006 йилда унда 136 нафар журналист 1669 ижодий иши билан иштирок этган бўлса, 2008 йилда 557 журналист 7 мингдан зиёд материали билан қатнашди. Иштирокчиларнинг ярмидан кўпини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият олиб бораётган журналистлар ташкил этаётгани унга бўлган қизиқиш жойларда ҳам юқорилигидан далолатдир.

Дастлабки йили ижодий беллашув матбуот, телевидение, радио йўналишлари бўйича ўтказилган бўлса, ўтган даврда улар қаторига Интернет журналистикаси ҳам қўшилди. Шунингдек, ҳар бир йўналиш бўйича аввал битта мукофот жорий этилган бўлса, 2007 йилда ҳар бир йўналишда биринчи, иккинчи ва учинчи даражадаги учта, жами 12 асосий мукофот ташкил этилди. Яна бир эътиборли жиҳати, 2007 йилда Бош миллий мукофот ҳам таъсис этилди. Жорий йилда - "Олтин қалам" тўртинчи Миллий мукофоти учун танлов 27 та (1 та бош, 12 та асосий ва 14 та рағбатлантирувчи) номинация бўйича ўтказилади.

2008 йилда ўтказилган учинчи Миллий мукофот учун танловнинг мукофот фонди 62,5 миллион сўмдан зиёдни ташкил этган бўлса, жорий йилда 100 миллион сўмдан ошади.

Ўтган йиллар давомида 70 нафар журналист танловнинг ғолиб ва совриндори бўлди. Танловда нафақат маҳаллий журналистлар, балки хорижлик ҳамкасбларимиз ҳам тобора кўпроқ қатнашиш истагини билдирмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу Миллий мукофотнинг битта номинацияси хорижий журналистлар учун мўлжалланган. Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги бу номинация "Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун" деб номланади. Ўтган йиллар давомида 3 нафар хорижлик журналист совриндор бўлди.

Айни пайтда Миллий мукофот ташкилий қўмитаси таркибида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ҳам бор. "Олтин қалам" Миллий мукофоти ғолибларини тантанали равишда тақдирлаш маросимида БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки ҳам ўзлари таъсис этган қатор рағбатлантирувчи мукофотлари билан фаол иштирок этмоқда.

Бу йилги танлов янада қизғин бўлиши унга ўз ижодий ишларини тақдим этаётган журналистларнинг кўплигидан ҳам сезилмоқда.

Ўз ўрнида журналистларимиз бундай эътиборга жавобан янада фаол, изланувчан ва ташаббускор бўлишларини замоннинг ўзи талаб этмоқда. Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ҳам, улар олдига қўйиладиган талаблар ҳам кўп. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришдир. Барчамиз дунёда ва мамлакатимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ўзимизнинг ҳаққоний ва холисона муносабатимизни, эътироф ва эътирозларимизни билдиришга қодир бўлишимиз, доимо изланиб, янгиликка интилиб яшашимиз лозим.

Кескин суръатлар билан давом этаётган ҳозирги глобаллашув жараёнларида четдан кўлами ва миқёсини ўлчаб бўлмайдиган шиддатли ахборот оқими кириб келаётгани, улар орасида бизга ёт ва зарарли ғоялар ҳам борлиги ҳеч кимга сир эмас. Шундай мураккаб вазиятда оммавий ахборот воситалари ходимлари биринчи навбатда ёшларимизни маънавий жиҳатдан қуроллантиришга ёрдам бериши зарур.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятида сифат ўзгаришларига янада кўпроқ эътибор қаратиш, ҳар бир журналистнинг касб маҳорати даражасини юксалтириш, шунингдек, матбуот, телевидение, радионинг халқимиз орасидаги обрў-эътибори ва рейтингини ошириш, жаҳон ахборот майдонида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришига эришиш муҳим ва асосий вазифаларимиздан ҳисобланади. Ўйлаймизки, журналистларимиз Ватан ва халқимиз олдидаги бу юксак масъулиятни қалбан чуқур ҳис этган ҳолда ўз бурчларини фаол адо этаверадилар.

**ЎзА мухбири**
**Олим ЭРГАШЕВ**
**ёзиб олди.**





*Танловлар*

# ТОШКЕНТНИНГ ОЙ ҚИЗИМАН

**БУГУНГИ КУНДА ШАҲРИМИЗНИНГ БАРЧА ГЎШАЛАРИДА ШАҲРИМИЗНИНГ ҚУТЛУҒ ТЎЙИНИ МУНОСИБ НИШОНЛАШ БОРАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР ВА ТАНЛОВЛАР, УЧРАШУВЛАР ДИҚҚАТГА САЗОВОР БЎЛМОҚДА. АЙНИҚСА ШАҲРИМИЗДАГИ БАРЧА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН «ТОШКЕНТНИНГ ОЙ ҚИЗИМАН», «БАЛЛИ, ҚИЗЛАР», «НИГОҲЛАРДА КЎРКАМ ЛИБОСЛАР» МАВЗУИДАГИ ТАНЛОВ ВА ТАДБИРЛАР ҚИЗЛАРНИНГ ҲАР БИР СОҲАДАГИ БИЛИМ ВА МАҲОРАТЛАРИНИ ОШИРИШДА, АЙНИҚСА УЛАРНИ ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛАЁТИР.**

Жумладан, куни кеча Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда академия хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган «Тошкентнинг ой қизиман» мавзуидаги кўрик-танлов ҳам ниҳоятда қизиқарли ва мазмунли ўтди. Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова кириш сўзи билан очиб, аввало йиғилганларни Наврўз айёми билан қутлади ва бу йил қутлуғ тўйи нишонланаётган азим Тошкентимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган танловнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида гапириб, иштирокчи қизларга омадлар тилади. Шундан сўнг саҳнага Тошкент Тиббиёт академиясининг миллий либослардаги, чеҳралари баҳордан андоза олган ой юзли, бири-биридан гўзал ва латофатли талаба- қизлари чиқиб, ўзаро беллашувни бошлаб юборишди. Танлов иштирокчилари «Тошкентни биласизми?», «Автоуловни бошқариш», «Касбга оид», «Сигир соғиш», «Тандирда нон ёпиш», «Кўрпача тахлаш», «Пазандачилик», «Спорт» ҳамда эркин мавзу сингари шартлар бўйича ўзаро беллашиб, ўзларининг зукколиклари, оқилаю доноликлари, барча соҳалардаги билим ва маҳоратларини намоён этиб, йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлдилар. Албатта автоуловни бошқариш, тандирда нон ёпиш, сигир соғиш, кўрпача тахлаш сингари шартлар илгари видеокамерага олинган бўлиб, саҳна экранида намойиш этилди. Қизларнинг айниқса мазкур шартлар бўйича беллашувлари ниҳоятда қизиқарли кечиб, барчанинг диққатини ўзига тортди. Автоуловни бошқариш, сигир соғиш, тандирда нон ёпиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин Тошкент Тиббиёт академиясининг талаба-қизлари бу шартларни уддабуронлик, чаққонлик ва катта маҳорат билан уддалашди. Эркин мавзу бўйича эса қизлар дилрабо ва шўх куй-қўшиқларга рақсга тушиб кечанинг янада файзли ва мароқли ўтишини таъминладилар. Қизларнинг ҳар бир чиқишларини ҳакамлар ҳайъати аъзолари муносиб баҳолаб борди. Танлов якунида номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди ва эълон қилинди. Оқила Раджапова «Энг зукко қиз», Наргиза Раҳимова «Энг пазанда қиз», Наргиза Режабова «Энг чаққон қиз», Шаҳноза Самандарова «Энг эпчил қиз», Саида Шарипова «Энг чиройли қиз» номинациялари бўйича ғолиб деб топилиб, ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан мазкур танловни ўтказишдан мақсад, — дейди Тошкент Тиббиёт академияси хотин-қизлар кенгаши раиси Лола Абдуқодирова, — талаба-қизларимизнинг нафақат яхши ўқишлари ва келажакда малакали шифокор бўлиб етишишлари, балки ҳаётда яхши келин, оқила уй бекаси, меҳрибон она сифатида камолга етказиш ва оилага тайёрлашдан иборат. Ўйлайманки, бу каби танловлар қизларнинг турли соҳалардаги билим ва маҳоратларини оширишда муҳим омил бўлади. Кўриб турганингиздек, бугунги танлов иштирокчилари ҳам ўзларининг эпчилликлари, оқилаю доноликлари,ҳозиржавобликлари билан ўзларига муносиб номинациялар бўйича ғолибликка сазовор бўлдилар. Истардимки, танлов шартларига нафақат бу қизлар, балки бошқа қизларимиз ҳам ҳозиржавоб бўлишса, оиланинг бахтли бекаси бўлишлари шубҳасиз.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар.**

**Абдувоси Ҳайдаров олган суратлар**

*Огоҳлик— давр талаби*

# ЁШЛАР КЕЛАЖАГИГА БАРЧА МАСЪУЛ

**ЯҚИНДА МИРОБОД ТУМАНИДАГИ 60- МАКТАБДА БЎЛИБ ЎТГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР АЙНАН ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДГА ТЎҒРИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ, ТУРЛИ ЁТ ҒОЯЛАР ТАЪСИРИГА ТУШИБ ҚОЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК ВА БУГУНГИ КУНДА ДОЛЗАРБ МУАММОГА АЙЛАНГАН ОДАМ САВДОСИ ВА МИССИОНЕРЛИК ҲАРАКАТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ КАБИ БИР ҚАТОР МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР ЕЧИМИГА ҚАРАТИЛДИ.**

Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Н. Бахтиёров мустақиллик ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан маънавий ҳаётдаги янгиланиш жараёнини, туб ўзгаришлар даврини бошлаб бергани, динга бўлган муносабат бутунлай ижобий томонга ўзгаргани, виждон эркинлиги қонун орқали кафолатлангани ҳақида давлат идоралари ва ҳокимликлар турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳурмат бўлишига кўмаклашаётгани ҳамда турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик, шунингдек, диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлаш бўйича барча зарур чоралар кўрилаётганига алоҳида тўхталиб ўтди.

— Лекин минг афсуски, — деди фикрини давом эттириб Н. Бахтиёров,— турли хорижий ташкилотлар ва бир гуруҳ норасмий шахслар томонидан динни нотўғри тарғиб этиш ва миллий қадриятларимизга хос бўлмаган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш орқали жамиятнинг маънавий қиёфасига салбий таъсир этишга уринилмоқда. Шаҳардаги ижтимоий, маънавий-ахлоқий муҳитнинг соғломлиги ва барқарорлигини сақлаш бўйича бугунги кунда шаҳар ҳокимлигининг махсус тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб амалда татбиқ этилмоқда.

Биз айрим камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, ҳар биримиз ўз вазифамизни тўла тушуниб эртага кеч бўлмасдан униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг она-Ватанимизга муносиб авлод бўлиб вояга етишига ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қилайлик.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Абдураҳимова, шаҳар имом хатиби Анвар қори Турсунов ва бошқалар ҳам сўз олиб бугунги куннинг долзарб мавзусига айланган одам савдосининг олдини олиш, диний ақидапарастликнинг салбий оқибатлари, қолаверса кўҳна тарихга эга пойтахт шаҳримизнинг 2200 йиллик қутлуғ тўйини муносиб кутиб олиш каби қатор мавзулар бўйича ўз фикр- мулоҳазаларини билдирдилар.

Тумандаги барча таълим муассасалари раҳбарлари, маҳаллалар оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этган ушбу тадбир барчада яхши таассурот қолдирди ва юқоридаги масалаларни барча маҳаллалар фаоллари йиғилишларида, таълим муассасаларининг педагог жамоалари ўртасида ўрганиб чиқиш, унинг ижроси бўйича мунтазам иш олиб бориш, ўқувчи-талабаларнинг кийиниш маданиятига риоя этишларига эътибор қаратиш лозимлиги тўғрисида фикрлар билдирилди.

* * *

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалида ҳам Тошкент шаҳар Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида «Нолегал миграция ва унинг оқибатлари», «Диний экстремизм ва терроризм ҳамда одам савдосига қарши кураш» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали раҳбар ва ходимлари иштирок этган ушбу тадбирда сўз олган «ТШТТ» раҳбари А. Абдумўминов ва Тошкент шаҳар маънавият тарғибот бўлими бўлим бошлиғи С. Мирҳакимовлар мавзу доирасида фикр юритиб одам савдоси бугунги кунда дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган жиддий муаммога айлангани, чегара билмайдиган бу жиноятдан дунёда ҳар йили минглаб бегуноҳ инсонлар жабр кўраётгани, мамлакатимизда бу иллатнинг олдини олиш, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилаётгани ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Маълумки, мамлакатимиз ижтимоий бозор муносабатларига асосланган эркин, демократик жамиятга ўтиш давомида ҳаётнинг барча соҳаларида вужудга келиши табиий бўлган мураккаб муаммоларни ўз вақтида ва оқилона ҳал этиш йўлидан изчил қадам ташламоқда. Инсон шаъни, ҳақ-ҳуқуқи ва ижтимоий муҳофазаси йўлида катта ишлар амалга оширилмоқда. Мана шундай юртда яшаб, тузини ичиб тузлуғига тупурганлар эса тубан касбу корлардан бири бўлмиш одам савдосини ўзларига эп билиб ўз миллатларига хиёнат қилишмоқда.

Одам савдоси жинояти юртга, миллатга нисбатан хиёнат экан ҳар бир виждони уйғоқ юртдошимиз бу муаммони ўзига ҳам дахлдор деб билиши керак. Токи одам савдосидек хавфли, инсон шаъни ва номусини хўрлайдиган жиноятлар ғовлаб кетишига йўл қўймайлик, ҳеч ким унинг қурбонига айланмасин.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтишни ўринли деб биламиз: «Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзи бўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади».

**Шаҳризода МУҲСИМОВА**

# ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ ВА АМАЛИЁТ БИРЛИГИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ ЖАРАЁНИДА БАРЧА СОҲАЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ЎЗИНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИНИ БЕРМОҚДА. БУ ЖАРАЁНДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ ЯРАТИЛИШИ БАРОБАРИДА УНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ МЕЪЁРЛАРИГА МОСЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА.**

Қонунчиликда ҳам, амалда ҳам жамият ривожига салбий таъсир кўрсатувчи жиноятчилик, айниқса, коррупцияга қарши курашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги конвенциясининг мамлакатимиз томонидан ратификация қилингани бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Зеро, коррупция – инсон ҳуқуқини бузишга, иқтисодиётни издан чиқаришга, энг ёмони, башарият хавфсизлигига дахл қилувчи жиноятларга йўл очади. Шунинг учун мазкур жиноятга қарши кураш долзарб аҳамиятга молик бўлиб, 2003 йил 31 октябрда БМТнинг номи қайд этилган конвенцияси қабул қилинган.

Пойтахтимизда ўтган БМТнинг Коррупцияга қарши кураш конвенциясини миллий қонунчилик ва амалиётга имплементация қилиш масалаларига бағишланган халқаро семинарда шу ҳақда гап борди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан БМТнинг наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, ЕХҲТ, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ), Жаҳон банки экспертлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи муассасалар ходимлари, иқтисодчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари А.Шарафиддинов мамлакатимизнинг мазкур халқаро-ҳуқуқий ҳужжатга қўшилгани коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш самарадорлигини оширишга, бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни мустаҳкамлашга янада кенг йўл очганини таъкидлади. Бу, ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан тайёрланган, коррупцияга қарши кураш юзасидан қатор қўшимча чора-тадбирларни, шу жумладан, бу соҳада халқаро ҳамкорлик таъминланишини назарда тутувчи "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни маъқулланди. Мазкур қонун Давлатимиз раҳбари томонидан 2008 йил 7 июлда имзоланди ва кучга кирди.

— Ўзбекистоннинг Коррупцияга қарши кураш конвенциясини ратификация қилгани нафақат БМТ, балки бутун халқаро ҳамжамият томонидан улкан хайрихоҳлик билан кутиб олинди ва кенг қўллаб-қувватланмоқда, — дейди БМТнинг наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Ж.Каллахан. — Чунки мазкур конвенциянинг ратификация қилиниши ва кучга киргани давлатингизнинг коррупцияга қарши курашда фаол иштирок этаётганидан далолатдир. Қолаверса, Ўзбекистон ушбу конвенцияни имзолаш орқали бошқа кўплаб давлатларга ўрнак бўлди. Энг муҳими, Конвенцияни қонунларга ва амалиётга татбиқ этиш жараёнининг изчил бажарилиши мамлакатингизнинг бу борадаги нуфузини янада оширади. Шу маънода бугун мазкур анжуманга дунёнинг кўплаб давлатларидан амалиётчилар ва экспертлар ташриф буюргани, ушбу мавзу бўйича фикр-мулоҳазалар алмашилгани соҳадаги ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Иқтисодиёт*

# СИФАТ СЕРТИФИКАТИ ТОПШИРИЛДИ

**«ЙЎЛРЕФТРАНС» РЕФРИЖЕРАТОР ВАГОН ДЕПОСИ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА 30 ЙИЛ ТЎЛДИ. «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТЕМИР ЙЎЛ КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИБ КЕЛАЁТГАН МАЗКУР КОРХОНАДА КЎПЛАБ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Бу каби ютуқлар компания томонидан муносиб тақдирланмоқда. Корхона жамоасига «ИСО-9001,2000» сифат сертификати топширилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Шу муносабат билан компания қарори билан бу ерда «Тез бузиладиган юкларни изотермик ҳаракат воситалари ёрдамида ташиш ҳамда рефрижераторли вагонларни созлаш бўйича сифат менежменти» тизими жорий қилинди.

# ЯНГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ

**ҲАРАКАТ ТАРКИБИНИ ЯНГИЛАШ БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ. «ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИ САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУ ЖАРАЁНДА КЎПЛАБ ЯНГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ТОШКЕНТГА ОЛИБ КЕЛИНАДИ.**

Белгиланган режага кўра, Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган 200 та «Исузу» русумли автобус харид қилинди. Жанубий Кореяда чиқарилган 10 та «Хундай» русумли автобусга ҳам эга бўлинди.

Бундан ташқари яна 30 та трамвай вагонлари келтирилади. Бунинг учун 7,582 миллион доллар миқдорида маблағ ажратилди.

Жорий йилнинг ўзида бу транспорт воситаларидан 20 таси «Тошэлектротранс» Давлат компанияси трамвай деполари таркибидан ўрин олади.

# КОРХОНАДА ТИКУВЧИЛИК ЦЕХИ

**«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗДЛАРНИ ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЖИҲАТДАН ТАЙЁРЛАШ ФИЛИАЛИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ТИКУВ ЦЕХИДА ҲОЗИР 20 ГА ЯҚИН ХОТИН-ҚИЗ ИШ БИЛАН БАНД.**

Бу ерда махсус иш кийимлари, костюм-шимлардан тортиб чойшаб, тўшак, пардаларгача тикиб чиқарилмоқда.

Темирйўлчилар учун касбий либосларнинг янги нусхалари ҳам ўзлаштирилди.

**Акбар АЛИЕВ**

